



Халқ сўзи

2020 йил — ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 27 ноябрь, № 250 (7752)

Жума

Сайтимидаги ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ПРЕЗИДЕНТ ТОПШИРИҚЛАРИ ИЖРОСИНИНГ БОРИШИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 ноябрь куни Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари 12-13 ноябрь кунлари вилоятда бўлиб, шу борадаги вазифаларни белгилаб берган эди. Ҳар бир туман ва шаҳарни жадал ривожлантиришга туртки бериш мақсадида марказий идоралар, жумладан, вазирлик ва тижорат банклари раҳбарлари бириктирилиб, зарур ресурслар ажратилди. 2021 йил Қашқадарёда "Тадбиркорликни ривожлантириш йили" деб эълон қилинди. 10 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этиши мақсад қилиб қўйилди.

Йиғилишда ҳар бир туман ва шаҳарнинг "ўсиш нуқталари"га асосланиб, sanoat, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш бўйича лойиҳаларни миқдори бўйича ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди. Масалан, Яқабоб, Қамаш, Чироқчи, Шаҳрисабз ҳамда Китоб туманларида 20 минг гектарда интенсификация бoг ва узумзорлар яратиш орқали вилоятда мева-сабзавотни қайта ишлаш даражасини 25 фоизга етказиш мумкин.

Шаҳрисабз шаҳри, Нишон, Деҳқонбод, Яқабоб, Миришкор, Фузор, Шаҳрисабз, Муборак туманларида ташкил этиладиган 11 та кичик sanoat зонасида лойиҳаларни жойлаштириш ва инфратузилмага улаш кераклиги қайд этилди. 2021 йилда тижорат банклари кредитлари асосида хизмат кўрсатиш соҳасида 650 миллиард сўмлик 500 та янги лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари келгуси икки йилга мўлжалланган 1 минг 153 та инвестиция лойиҳасининг иқтисодий-ижтимоий аҳамиятини таъкидлаб ўтди. Бунда қарий 1 миллиард доллар хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, 19 мингта янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган.

Мутасаддиларга sanoat паст даражада ривожланган туманлар учун қўшимча лойиҳалар ишлаб чиқиш, мавжуд захираларни самарали ишга солиш вазифаси қўйилди.

"Темир дафтар"га киритилган оилаларни камбағалликдан чиқариш чоралари муҳокама қилинди. Кичик бизнесни ривожлантириш, ёшлар ва аёлларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Президентнинг вилоятга сафари чоғида қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган 81 минг гектар ерни ўзлаштириш, 63 минг гектарда сув тековчи технологияларни жорий қилиш белгиланган эди. Қарши, Қамаш ва Косон туманларида 1200 гектар майдонда замонавий иссиқ-

хоналар, Деҳқонбод тумани ҳамда вилоятнинг тоғолди ҳудудларида гиста ва доривор ўсимликлар плантациялари ташкил қилиш зарурлиги айтилган эди.

Йиғилишда шу борадаги ташкилий ва молиявий ишларни жадаллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, ичимлик суви тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, автомобиль йўллари таъмирлашга оид масалалар кўриб чиқилди. Турар-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда муҳтож аҳоли учун 5 қаватли энергия тежамкор уйлар қуриш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Мақтабларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун 2021 йилги Инвестиция дастури доирасида қўшимча 100 миллиард сўм ажратилиши қайд этилди. Ушбу маблағлар ҳисобига 88 та мактабда қўшимча иморат қурилади, 100 тадан кўпроги эса тўлиқ жиҳозланади, пахса деворли филиаллар ўрнига янги бинолар барпо этилади.

Йиғилишда Қарши шаҳридаги 42-мактаб, шунингдек, туман марказларидаги биттадан шундай муассаса негизида ахборот технологиялари иқтисослаштирилган мактаблар ташкил этиш юзасидан кўрсатма берилди.

Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида бошланган ислохотларни самарали ташкил этиш, айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш долзарб масала экани таъкидланди.

Бош вазир ўринбосари Жамшид Қўчқоровга вазирлик ва идоралар, тижорат банклари раҳбарлари билан бирга Қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантириш, тадбиркорларга қўмлаштириш, камбағалликни қисқартириш масалалари ижросини назоратга олиш топширилди.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигида ҳар бир инвестиция лойиҳасининг ҳолатини жойига чиқиб, танқидий таҳлил қилиш, муаммоларни самарали ҳал этиш вазифаси қўйилди.

Сектор раҳбарлари топшириқлар ижроси натижаларини юзасидан Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳар ойда ҳисобот бериб бориши белгиланди. Йиғилишда Қашқадарё вилояти ва туманлар ҳокимлари, соҳа ва тармоқлар мутасаддилари лойиҳаларни бажаришга қаратилган режалари юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

МУНОСАБАТ ҲУДУД САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

Президентимиз раислигида Қашқадарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли ҳаётини яхшилаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Қашқадарё — катта салоҳиятга эга вилоят. Лекин бугунги кунда ҳудудда ушбу салоҳиятдан самарали фойдаланиляптими? Йиғилишда айтиш мумкин бўлган таҳлил этилиб, давлатимиз раҳбари томонидан вазирлик ва идоралар мутасаддиларига тегишли топшириқлар берилди.

Биз бу ҳақда уларнинг айримлари фикрларини ёзиб олдик.



ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК ЧОРРАҲАСИДАГИ БУХОРО



Бунёдкорлик

«Қабулдан кушдек энгил тортиб чикдим»

Коровулбозорлик Мансур Аҳмедов 2002 йилдан бунунда «Нефтич» ўрмон хўжалигига тегишли ерни ижарага олиб, чорвачилик билан шуғулланиб келяпти. Оила аъзоларидан ташқари у нафар илчиси ҳам бор. Шартномага мувофиқ тўловларни вақтида амалга оширяпти. Аммо ижара шартномасини қайта тузмокчи бўлганида ўрмон хўжалиги раҳбарияти тўсқин-

лик қилди. Тадбиркор ҳаловатини йўқотди. Ахир бу ерга озмунча меҳнати сингдими? Югурди, елди. Тиним билмади. Энди эса...

Энди 18 йиллик меҳнатим ҳавага учадими? Ана шу ўй-хаёл уни вилоятнинг янги раҳбари Ботир Зарипов илк бор ўтказётган сайёр қабулга етаклаб келди. — Шу масалада ёрдам сўраб ҳокимимизга мурожаат қилдим, — дейди М. Аҳмедов Олот туманида ташкил этилган сайёр қабул чоғида. — Масала тезкорлик билан ўрганилди. Мени ҳақли деб топилди. Тегишли ташкилотлар кўмағида ўртадаги ижара шартномаси қайта тузиладиган бўлди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУЛК ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗ ВА ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганига бу йил 28 йил тўлади. Айтиш керакки, мамлакатимизнинг Асосий Қонуни барча соҳадаги ислохотларни амалга ошириш, юртимизнинг бугунги юксак тараққиётини таъминлаш, умуммиллий ҳамда умуминсоний кадриятларни ўзида мужассам этган тарихий ҳужжатдир.

Сохибқирон Амир Темура "Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуқи, кудрати ва таркиби йўқолади", деб таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйган мамлакатимизда Конституция саъй-ҳаракатларимизнинг дасту-



риламалига айланди, десак тўғри бўлади. Хусусан, Бош қомусимизнинг 53-моддасида фуқароларнинг мулк ҳуқуқи дахлсиздир ва доим давлат ҳимоясида бўлади, дея қатъий белгилаган. Бу фикрнинг амалий исботи сифатида, яъни тадбиркорлик, мулк масаласида Асосий Қону-



Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам янгиланишлар, ўзгаришлар жараёни авж паллада. Бунёдкорлик, яратувчанлик юмушлари жадал борапти. Шинма тураржойлар, ижтимоий соҳа объектлари қад ростляпти. Янги қорхоналар иш бошламоқда. Одамларни ҳаётдан рози этмок йўлидаги ислохотлар эса ўз мевасини берапти. Енг шимариб меҳнат қилаётган ҳар бир юрtdошимизнинг юз-кўзига боқиб шуни ҳис этасан, киши. Дунё учун глобал муаммага айланган пандемия шароитида бу жуда муҳим. Зеро, донишмандлар айтганидек, меҳнатсиз роҳат бўлиши мумкин эмас. Қўйида сўз юритаётганимиз вилоятда амалга оширилаётган кенг қамровли ишларнинг бир шингили, холос.



Конунчилик палатаси қўмитасида

АУТСОРСИНГ ХИЗМАТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг "Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан белгиланган вазифаларнинг Андижон вилоятидаги ижроси кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат Андижон вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибидеа ўрганилганда, бу борада муайян ишлар амалга оширилгани маълум бўлди. Чунончи, худуднинг давлат-хусусий шериклик лойиҳалари концепцияси ҳулоса бериш комиссияси тузилган. Тизимдаги даволаш-профилактика муассасалари хатловдан ўтказилган. 2020 йилги хатлов натижаларига кўра, бўш турган бино ва иншоот ҳамда ер участкаларининг 41 таси расмий веб-сайтга жойлаштирилган. Шундан 6 нафар талабгор тадбиркорнинг лойиҳаларини баҳолаш ҳужжатлари Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан кўриб чиқилмоқда. Орадан анча муддат ўтаётган бўлишига қарамай лойиҳаларни Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлигига юбориш фақат "режа" лигича қолмоқда. Шу болиб инвестиция киритиш ва лицензия олиш муаммо бўлиб турибди.



Ҳамкорлик

«ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ 16 КУН»

КАМПАНИЯСИНING БОШЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ

Кеча "Зўравонликка қарши 16 кун" кампаниясининг бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унинг доирасида "COVID-19 пандемиясининг хотин-қизларга таъсири: унинг оқибатларини юмшатиш бўйича қўрилган чора-тадбирлар, олинган сабоқлар ва кейинги қадамлар" мавзусида онлайн учрашув ўтказилди. Унда сенаторлар, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матильда Димовска, халқаро ташкилотлар мутасаддилари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари қатнашди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия раиси Танзила Норбоева иштирок этди ва нутқ сўзлади. Онлайн учрашувда хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари, унинг оқибатларини юмшатиш ва қўриладиган чоралар, хусусан, амалиёт, муаммолар ҳамда кейинги режалар ҳақида фикр алмашилди. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон Президенти раҳбарлигида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, оила, оналик ҳамда болаликни ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, уларга нисбатан таъзим ҳамда зўравонликларнинг олдини олиш борисида салмоқли ишлар олиб боришмоқда. Ушбу масала давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДОРИВОР ҲАМЛАКАРНИ ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ, УЛАРНИНГ УРУҒЧИЛИГИНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР КЎЛАМИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давом. Бошлангич 1-бетда).

доривор ўсимликларни етиштириш ва улардан дори воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш учун халқаро молия институтларининг грантларини жалб этиш;
Фанлар академияси (Б.С.Юлдашев) билан биргаликда доривор ва зирвор ўсимликларни етиштириш, қайта ишлаш масалаларига бағишланган халқаро ва республика бўйича конференция ҳамда симпозиумларнинг доимий равишда ўтказиб борилишини таъминласин;
"Устандарт" агентлиги (Д.Н.Саттаров) билан биргаликда Марказ хузурида доривор ўсимликлар хом ашёси ва улардан олинadиган маҳсулотларни сертифициклаш ва стандартлаштириш лабораториясини ташкил этиш, уни белгиланган тартибда жаҳон стандартларига жавоб берадиган аккредитациядан ўтказиш чораларини кўрсин;
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили 1 декабрда қадар келгуси йилда доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлашнинг таъминласин.
8. Қўйидагиларнинг:
Урмон хўжалиги давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлигининг Нукус, Ҳўжайли, Қорақўл, Бахмал, Зомин, Китоб, Узун, Бойсун, Бурчмулла, Охангарон давлат ўрмон хўжалигининг доривор ўсимликларни етиштиришга, Қуйи Чирчиқ иختисослашган

давлат ўрмон хўжалигини доривор ўсимликлар уруғ ва кўчатларини тайёрлашга иختисослаштириш;
Урмон хўжалиги давлат қўмитаси, Жиззах, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларининг тегишгина Фаллаорол, Когон ҳамда Ургут иختисослашган давлат ўрмон хўжаликлари ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.
9. Урмон хўжалиги давлат қўмитаси хузуридаги "Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш маркази" давлат муассасаси тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
Белгилансинки:
Марказнинг бюджетдан молиялаштирилмаган 28 нафар бошқарув ходимларининг штат бирликлари Урмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидagi мавжуд штат бирликлари мақбуллаштириш ҳисобига ишлатилирилади. Бунда Молия вазирлиги 2021 йилдан бошлаб Марказ таъминоти харажатларини молиялаштиришни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида кўзда тутиш;
Марказ Давлат бюджети, Урмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, хизмат кўрсатиш ва ўзи етиштирган доривор ўсимликларни сотишдан тушадиган ва қонун ҳужжатлари билан таъминланган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;
Марказда республикада илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шугулланувчи ходимларнинг лавозим маошига қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этилади. Бунда қўшимча ҳақ белгиланиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш Урмон хўжалигини

ривожлантириш жамғармаси ҳамда хўжалик фаолиятдан тушадиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.
10. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.У.Маджидов) Урмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:
республика олий таълим муассасалари биология йўналишларининг 3 ва 4-курслари таҳсил олаётган иқтидорли талабалар таркибидан алоҳида гуруҳларда чуқурлаштирилган ўқитиш амалиётини йўлга қўйсин;
кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, барча қишлоқ хўжалигига иختисослашган коллеж ва техникумларда мутахассисликлар классификациясини инobatта олган ҳолда "Доривор ўсимликлар етиштириш агротехнологияси" йўналиши бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин.
11. Урмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров) икки ой муддатда:
Урмон хўжалиги давлат қўмитаси хузуридаги Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш марказининг илмий салоҳиятини ошириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Марказ Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Дархон қўрғони, Чимкент йўли қўчаси, 2-уйда жойлашган Ижтимоий-иқтисодий касб-хўнакор коллежининг фойдаланилмасдан турган биносига жойлаштирилсин.
13. Урмон хўжалиги давлат қўмитаси (Н.Ж.Бакиров) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариштириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар эҳтиёш вазири Бош вазир Уринбосов Ш.М.Ганиев белгилансин.
Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.
Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июнь ва 2021 йил 15 декабрда қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 26 ноябрь

ҲУДУД САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

Жамшид ҚўЧҚОРОВ, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири:
— Йилгида Кашқадарё вилоятида кўзда тутилган инвестициявий, ижтимоий лойиҳалар ёки туманларда ишлаб чиқилган "ўсиш нуқталари"нинг ҳаракатга келтирилган, яъни драйверларни ишга тушириш бўла-дими, ҳар бири бўйича иш режа-си ишлаб чиқиш топшириғи берилди.
Умуман, нима учун ушбу лойиҳа-ларни ёки ташриф давомида берил-ган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти, де-ган саволга шундай жавоб бериш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг

Кашқадарёга қилган ташрифи тари-хий бўлди. Чунки ушбу вилоятни ҳар томонлама ривожлантириш учун кат-та миқдорда маблағ ажратилляпти. Масалан, Кашқадарёда мактаблар жуда оғир аҳволда. Мактаблар учун келгуси йилда 250 миллиард сўм ажратилляпти.
Бундан ташқари, Бандлик ва меҳ-нат муносабатлари вазирлиги суб-сидиялари орқали қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам жуда кўп масалалар на-зарда тутилган.
Яна бир муҳим йўналиш — ви-лоятда ички туризмни ривож-лантириш учун 20 миллион доллар берилляпти. Бирорта ҳам топшириқ бажарилмай қолиб кетмаслиги керак. Белгиланган вазифалар иж-росига ҳар бир масъул раҳбар жа-вобгар бўлиши керак. Назорат жуда қаттиқ бўляпти. Кимдир муко-фотлини, кимдир жарима қили-

ниши, яна кимдир ишдан олинishi мумкин.
Музаффар СОЛИЕВ, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири:
— Йилгида Президентимизнинг 12-13 ноябрь кунлари Кашқадарё вилоятига ташрифи давомида бе-риш топшириқлар ижроси яна бир бор таҳлил этилди.
Ҳозирги кунда соҳада безовта қилаётган йўналишлар, хусусан, шир-катлар аҳоли, иссиқлик тизимини жойига қўйиш масалалари мавжуд. Янги бошқарув тизими ҳақида га-пирадиган бўлсак, бунда бошқарув компанияларимиз профессионал хизматларни ташкиллаштирадди.
Бундан ташқари, туртта IT дасту-рини тайёрлаб қўйганмиз. Аҳоли му-аммоларини инсон факторисиз ҳал

қилувчи, Билнинг тизими орқали ко-мунал тўловларни тўлашни йўлга қўйиш дастурлари шулар жумласи-дан.
Зоир МИРЗАЕВ, Кашқадарё вилояти ҳокими:
— Ташрифдан кейинги ўтган даврда маҳаллама-маҳалла юриб, тадбиркорлар билан гаплашган ҳолда вилоятдаги ҳолатни ўнглаш бўйича дастлабки чора-тадбирлар ҳисоб-китоб қилинди. Йилги таъ-минотида ушбу ҳисоб-китобларнинг тақдироти бўлди. Ҳисоб-ки-тоблар ҳақида гапирадиган бўлсак, Кашқадарё вилоятини комплекс ривожлантириш мақса-дида жами 34 триллион сўм, айнан бюджетдан 1 триллион 496 миллиард сўм маблағ ажра-тилиши кўзда тутилган. Савол ту-

филади: бу камми ёки кўп? Биз олдинги йилларда ўртача 580 — 600 миллиард сўм олганмиз.
Янги биламиз, таълим тизими ёки таълим масканлари моддий-тех-ника базаси аҳоли юзасидан Қаш-қадарё республикада охириги ўрин-лардан бирида. Шунинг ўнлаб олиш учун фақат таълим соҳасига, мактабларга 250 миллиард сўм бе-риляпти. Бу фақат қурилиш учун.
Ажратилган бюджет маблағлари коррупцион ҳолатларсиз қачон мақ-садли йўналтирилади, қачонки, куч-ли жамоатчилик назорати бўлса. Бунда жамоатчилик вакиллари, фах-рийларимиз, энг асосийси, маҳал-ли Кенгаш депутатларининг фаол-лиги алоҳида ўрин тутиши таъкид-ланди.

«Халқ сўзи».

Медиа-тур

Президент Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Сардоба сув омборида юз берган техноген ҳодиса оқибатларини бартараф қилиш доирасида жуда қисқа муддатда бунёд этилган уй-жой даҳалари, янги қиёфага кирган маҳалларга медиа-тур ташкил қилинди.

Янги уй, янги ҳаёт, замонавий турмуш

Илк манзил Сардоба туманидаги Дўстлик маҳалласи бўлди. Воҳа кенгликлари ўра-мидаги бу гўша пувиқор ма-жорати билан узокдан қўзга ташланади, кишида қишлоқ эмас, шаҳарни кўргандек та-ассурот уйғотади. Мирзаобод туманидаги Навбахор, Янги Ўзбекистон, Оқолтин тумани-даги Янги Тошкент каби ма-ҳаллаларда ҳам янги қурилиш-лар, таъмирлаш-ободонлаш-тириш, санатнинг йўлга қўйи-лиши сингари омиллар туфай-ли бунёдкорликка янгича ёнда-шув кириб келди.

Маҳалладаги янги кўп қаватли уйлар алақандон ўз эгаларини топган. 1 минг 480 оилага мўлжалланган ушбу даҳа рўпарасида "Oqsqoqy grosh"нинг мингта иш ўрнига эга "Сардоба Оқсарой тек-стиль" корхонаси жойлашган.
— Маҳалламиздан Тошкент-гача қариб 200 километр, — дейди корхона чевари Бахринисо Азимова. — Аввал ўзимизда иш йўқлиги туфай-ли, шунча узок йўлдан катнаб, пойтахтдаги хусусий цехларда тикувчилик қилардим. Энди эса бор-йўғи бир ярим минг қадам ташласам бас, иш жо-йимда бўламан. Уйим, оилам-дан кўнглим тўқ, беҳавотир ишга бориб-келаман. Айтан-ча, таъмирдан сўнг уйимиз ҳам чиройли, ҳам қулай бўлиб қолди. Уғлим ОТМга ўқишга кирди, эгизак қуларим ҳам талаба бўлиш ниятида астой-дил ўқияпти. Хуллас, ҳаёти-мизда қувончли янгиликлар кўп.

Утган асрнинг саксон учин-чи йилдан бундан буён шунча кенг-ликларда яшаётган Расул Тўйчиев умр йўлдоши Назоқат ая билан солиқ фарзандларни вояга етказиб, шу заминга меҳр қўйган, қишлоқ хўжали-гида самарали меҳнат қилган мутахассислардан бири. Мир-заобод туманидаги Навбахор маҳалласи жанубида қад қўтарган "Нурли келажак" да-ҳасига ташриф асосида Расул Тўйчиев журналистларни янги хондонига таклиф қилди. Меҳ-монхонада ўзбекона манзара: момолардан мерос кашталар билан безалган бўла- ёстиқ-лар тахона, бежирим хон-тахта...

Шу маҳал остонда ёпин-чкли келин пайдо бўлиб, меҳ-монларни "келинсалом" билан изатляпти.
— Уч кун аввал тўй ўтказ-дик, — дейди Расул Тўйчиев. — Учинчи келинни янги уйга туширамиз деган ниятимиз бор эди. Шўқурки, орузимиз амалга ошди. Тўй-тўйга уланяпти, биздан кейин яна икки қўшимчи ҳам келин олди...
Навбахор аҳолиси учун за-монавий яшаш шароити яратилиб, фаолият турлари ҳам кенгаймокда, ишлаб чиқариш тизимида бир нента лойиҳа амалга оширилляпти. Дейлик, "Сардоба балиқчи" корхонаси ҳудуд учун бутунлай янги ма-сулот — балиқ филияси тайёр-лашга иختисослаштирилса, бўрдоқчилик мажмуасида кўплаб аҳоли доимий иш бо-на билан бўлади. Фаргона ви-лояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган тикув-

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

ТАРИХ ВА КЕЛАЖАК ЧОРРАҲАСИДАГИ БУХОРО



Очигини айтсам, сайёр қабулдан қўшдек енгил тортиб чиқдим. Ишонсангиз, шу муаммо туфайли қанча овора бўлдим. Ҳатто ҳам-масига этак силкиб кетмокчи ҳам эдим. Чунки ишнинг кўзини билган киши ризикни албатта, топади. Қарангки, Қоровулбозордан оз эмас, кўп эмас, 160 километр йўл босиб, Олотда ўтка-зилаётган сайёр қабулга келганим зое кетмади. Муаммо бир зумда ҳал бўлди.
Эътибор қилсангиз, Мансур Аҳмедовни ташвишга қўйган масала ту-манининг ўзидаёқ ечимини топиши мум-кин эди. Вилоят ҳокими вазифасини ба-жарувчи Б. Зариповнинг мутасаддилар диққатини шу каби далилларга қара-тиб, сектор раҳбарлари, корхона ва таш-килот масъулларини фаолликка чақир-гани беҳиз эмас.

парк барпо этиляпти. Айнан шу ҳудудда Бухорода илк бор 32 қаватли бино қури-лиши ҳам кўзда тутилган.
— Биз, ёшларга қаратилаётган эъти-бордан жуда мамнунман, — дейди "Мард ўлгон" давлат муқофоти соҳиби Жаҳонгир Норбоев. — Мана, "Bukhara City" лойиҳасини олиб қаранг. Унда Тош-кентдаги IT-парк филиалини ҳам таш-кил этиш кўзда тутилган.
Пешку туманидаги 18-умумтаълим мактабида ўқиган, Жанубий Африка Республикасининг Дурбан шаҳрида ўтка-зилган халқаро математика олимпиа-дасида кумуш медал билан тақдир-ланган Жаҳонгир эътироф этганидек, 9 ва 12 қаватдан иборат бўладиган IT-парк иқтидорли ёшларнинг энг севимили даргоҳига айланади.

Бу ердаги рақамли технологиялар ўқув маскани, коворкинг маркази, кўз-ва киберспорт хоналарида йигит-қиз-лар ўз малакаларини оширадди. Маскан ёшлар бандлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутаяпти. Чунки бу ерда ах-борот технологиялари бўйича мутахас-сислар истиқболли лойиҳалар устида ишляпти. Зотан, бунёдкорлик тўғриси соғлом муҳитнинг, соғлом муҳит бар-камол авлодининг, баркамол авлод эса буюк келажакнинг мустақам асосидир.
...Аслида, қурилишдан мақсад — обод-лик. Бу фақат ҳудуд эмас, балки кўнгли ободлигидир. Инсонлар ҳар бир имо-рат, маскан, бординки, оддий фаввора-да ҳам ўзининг эркин ва фаровон ҳаёти-ни кўрса, шунга интилиб яшаса, ўзи истаган ёруғ манзилга, албатта, етади.
Вилоят раҳбари яқинда "Bukhara City"даги бунёдкорлик ишлари билан та-нишди. Лойиҳаларга салоҳиятли инвес-торларни жалб этиш билан боғлиқ ма-салалар муҳокама қилинди...

бий ўзгарши деб баралла айтиш мумкин, — дейди корхона таъ-сисчиси, сенатор Муртазо Раҳматов. — Хабарингиз бор, Бухорода бешта фабрикадан иборат тўқимачилик мажмуамиз-нинг ишга тушиши билан юқори қўшимча қийматга эга маҳсу-лотлар ишлаб чиқаришга ки-ришдик. Шу тариха ўз бренди-мизни яратиб, "занжир"нинг охириги бўлишини боғладик.
Энди тайёр маҳсулот реали-зацияси масаласи бор. Корхо-на мамлакат бўйлаб ўзининг тахминан 50 та савдо дўконини очяпти. Дастлабкилари ўз фаол-лигини бошлади.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг чет эл давлатларидаги элчионалари кўмагида хорижда савдо тармокларини ишга ту-шириш тадбирлари қурильмокда. Мас-алан, Германиянинг Мюнхен, Дрезден каби ийрик шаҳарларида корхонанинг нисбатан арзон, сифатли, харидоригир, рақобатбардoshi маҳсулотларини сотиш билан шугулланадиган дастлабки 7 та савдо дўконини очиш кўзда тутилган. Умуман, яқин истиқболда Европа дав-латлари, Болтиқбўйи республикалари, Япония ва ҳатто жинси матонинг вата-ни саналган океанортида юртимиздаги қалдирғоч кластернинг юзлаб савдо шо-ҳобчалари фаолият юритишга кириша-ди. Бунинг учун озгина вақт керак, холос.
— Гап шундаки, жинси қийим-кечак-лар дейлик, Германияда 70 — 100 ев-родан сотиляпти, — дея сўзида давом этади М. Раҳматов. — Биз ҳозир давом

риб бажаришди. Натижада пандемия авжига чиққан баҳор, ёз ойларида ҳам экспортни қанда қилмадик. Масалан, Россия Федерациясидаги бюртмачи-ларимизга 100 миң АҚШ доллар миқ-доридagi миллий қийимларимизни жўнатдик.
Инновацион туризм нимаси билан жозибадор?
Пандемия дунё бўйлаб сайёҳлар оқимини сусайтирди. Лекин у соҳа ра-ванкига тўсиқ бўлолмади. Буни Бухорода амалга оширилаётган иш-лар ҳам яққол кўрсатмокда.

Қадимий Варашка массивида очил-ган "Bukhara Desert & SPA" ҳам олиш масканини мисол тариқасида келтириш мумкин. Инновацион туризм кластери таркибида фаолиятини бошлаган бу гўша 10 гектар майдонини эгаллаган бўлиб, унинг ҳудудида кўна Нарваша саройи макети, сардоба, карвонсарой, 80 ўринли ўтовлар, миллий ҳамда дунё таомлари ресторани, соғломлаштириш масканлари, спорт ўйингоҳи жойлаш-ган.
Мажмуа атрофидаги 30 гектар ерда агробос ва иссиқхоналар барпо этил-ган. От ҳамда туяларда сайр қилиш, саҳро бағрида электромобиль ва квад-роциклларда юриш имкониятлари яра-тилган. Қадимий қалъа макети фондида намойиш қилинадиган томошаларни кўрган сайёҳлар ўзларини X — XV аср-ларга тушиб қолгандек ҳис этишяпти. У мана шу жиҳати билан ҳам жозибадор. Мажмуа ҳозирча бир вақтинг ўзида 500 нафардан дам олувчи ҳамда сайёҳга хизмат кўрсатиш қувватига эга.

Бу ҳали ҳаммаси эмас, албатта. Яқинда Тўдақўл сув завзаси қирғоғида "Silk Road Family Resort" сайёҳлик ку-рорти очилди. У давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 июндаги "Туризм соҳа-сини санитария-эпидемиологик ҳавф-сизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида бунёд этилди.
Бу дам олиш масканининг умумий лойиҳа қиймати 6 миллион АҚШ до-лларини ташкил этади. Объект дастла-бк босқичда 500, кейинчалик эса 1000 нафардан зиёд сайёҳларни қабул қилиш имконига эга бўляпти.
Бу икки далил вилоятда экологик, тарихий-маданий, гастрономик туризм раванки янги босқичга кўтарилаётган-дан дараж беради.
Умуман, ушбу лойиҳалар ижроси иж-тимоий соҳаларни ривожлантириш, қадимий кент қиёфасининг бунгундан ҳам обод ва кўркам бўлиши, энг муҳи-ми, аҳоли турмуш фаровонлигининг яна-да юксалишига хизмат қилади.
Бундай бунёдкорлик ишларидан эса одамларнинг кўнглида яхши ният, эртанги кунга ишончи ортади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Суратлар "Халқ сўзи" фотожамласидан олинди.

Яратувчанлик тўғриси — соғлом муҳитнинг мустақам асоси

— Бундан 4-5 йил муқаддам Бухоро-да 9, 12 ва ҳатто 32 қаватли бино қури-ляди, дейишса ишонгнинг келмасди, — дейди салкам 80 ёшли тажрибали педагог, меҳнат фахрийси Ҳаким Ражабов. — Қаранг, биз, кекса авлод вакилларининг уй-ҳаёлига келмаган иш-лар рўёбга чиқяпти. Ўзгартишлар шу қадар қаттиқ, шу ерлик бўла туриб, Бухоронинг таний оймай қопляпти.
Устозининг эътирофида жон бор. Ви-лоят марказида барпо этилаётган "Bukhara City" лойиҳаси билан таниш-ган киши бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилади. Лойиҳанинг умумий қий-мати дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 550 миллион АҚШ долларини ташкил этади. У 83 гектар майдонда қурильмок-да. Шунинг салкам 25 гектариди турар-жой, 6,6 гектар майдонда меҳмонхона, 3 гектар ҳудудда банк ва офис бинола-ри, 5,3 гектар ерда спорт мажмуаси қад ростляпти. Қатор иқтимоий объект-лар, шунингдек, экспомарказ, техно-

«Хорижда юзлаб дўконларимиз бўляпти»

Бухоро шаҳридаги "BCT Cluster" кор-хонасида республикамизда биринчи бўлиб пахтаки эчкидан тортиб, жом ашё-ни чуқур қайта ишлаш ва маҳсулот тай-ёрлашга қадар бўлган "занжир"ли жа-раён амалга оширилды.
— Кейинги уч-тўрт йил ичида мам-лакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида кластерлар жорий этилишини инқило-

“ Яқин истиқболда Европа давлатлари, Болтиқбўйи республикалари, Япония ва ҳатто жинси матонинг ватани саналган океанортида юртимиздаги қалдирғоч кластернинг юзлаб савдо шохобчалари фаолият юритишга киришади. Бунинг учун озгина вақт керак, холос. ”

бир миллион донга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаряпти. Тасаввур қилинг-а, уларни 15 доллардан сотган тақдир-мизда ҳам бу 15 миллион доллар бўла-ди. Хом ашёнинг 1 килограмминдан 2 та юпка жинси ишлаб чиқариш мумкин. Бу 1 килограмм пахта 30 долларга ай-ланишини аналгатади. Менинг орузим 5 йилда пахта-тўқимачилик маҳсулот-лари экспортни 50 миллиард АҚШ до-ларига етказиши.
Вьетнам, Бангладеш каби давлат-лар тажрибаси бу борада имкониятла-римиз бениҳоя катталигини кўрсатмок-да. Дейлик, Вьетнамда гўза ўсмайдди. Лекин у йилга 50 миллиард АҚШ до-ллар миқдоридан пахта тўқимачилик маҳ-сулотларини экспорт қилади.
Ташаббускор тадбиркорлар кейинги

зиён етказолмади. Чунки хунарманд-да карантин қондаларига амал қилиб, уй-да ўтириб қолган иш имконияти бор...
Маҳфуза Салимованинг бу ҳақда тўхталиши беҳиз эмас. Опанинг "Малика Султон" оилавий корхонасида айни дамда 100 дан зиёд хотин-қизлар меҳнат қилмокда. Ваҳшанки, бундан 6-7 йил муқаддам улар сони атиги 20 — 25 нафар эди.
— Давлатимизнинг биз, хунарман-дарга яратиб бераётган қўлайликлари, солиқ борасидagi имтиёзлари кейинги уч йилда фаолиятимизни кенгайтириш имконини берди, — дейди Маҳфуза опа.
— Нафақат зардўзлик, балки каштачи-лик, тикувчилик, патдўзликни ҳам йўлга қўйдик. Пандемия шароитида ишчила-римиз бюртмаларимизни уйлариди ту-

«3 ҶУРАВОНЛИККА ҚАРШИ 16 КУН»

КАМПАНИЯСИНИНГ БОШЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ

Демократик ислохотлар натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кучайиб бормоқда. Буни ўтган йили декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яна бир бор тасдиқлади. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Холбуки, бундан 5 йил аввал Ўзбекистон бу борада 128-ўринда эди.

Қонунийликни шакллантириш ва қонун устуворлигини таъминлаш йўналишида сўнгги тўрт йилда хотин-қизлар манфаатларига доир, халқаро стандартлар асосида 24 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Шу қаторда 2030 йилгача гендер тенглигига эришиш стратегияси ҳам ишлаб чиқилди.

Яна бир жиҳат. Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтган йили тижорат банклари ҳамда Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан 172 мингдан зиёд опа-сингилларимизга ўз тадбиркорлиги фаолиятини бошлаш учун 4,9 триллион сўм кредит ажратилди. Бундан ташқари, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ҳамда тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида аёлларимиз учун жами 170 мингга яқин иш ўринлари яратилди.

Ишиси ва "Темир дафтар"га киритилган кам таъминланган оилаларда хотин-қизлардан 260,3 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди ҳамда уларнинг иш ҳақи учун вазирлик ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси ҳисоби-

дан 270,5 миллиард сўм маблағ молиялаштириб берилди.

Қолаверса, юртимизда зўравонликнинг олдини олиш, ундан жабр кўрган хотин-қизларга ҳуқуқий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимли равишда йўлга қўйилган. Жумладан, ўз ўзини изоляциялаш тартиби этилиши билан Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия ҳузуридаги "ННТлар бирлашмаси" ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда жорий йил 10 апрелдан бошлаб "Ишонч телефони" йўлга қўйилди.

Ушбу давр мобайнида 4 мингга яқин мурожаатлар қабул қилинди. Шулардан 40 фоизи зўравонлик ҳолатлари мавқеини янада оширишга қаратилган ҳамкорликни кучайтириш чораларини ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбирда давлат органлари ва но-

давлат нотижорат ташкилотлар ҳамкорлиги, мигрантлар ҳамда зўравонлик, ижтимоий меъёрларнинг ўзгаришида оммавий ахборот воситаларининг ўрни, зўравонлик оқибатларини юмшатишда ҳимоя орденининг роли каби мавзулар муҳокама қилинди.

Шунингдек, аёлларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш, хотин-қизларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш ҳамда опа-сингилларимизнинг жамиятдаги мавқеини янада оширишга қаратилган ҳамкорликни кучайтириш чораларини ишлаб чиқиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУЛК ҲУҚУҚИ ДАХЛСИЗ ВА ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Божхона тўловлари ставкалари 2 баробар пасайтирилди, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текширишлар бекор қилинди.

Шунингдек, тадбиркорлик йўлидаги ортиқча чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига давлат идораларининг ноқонуний аралашувини қатъий чеклаш борасида салмоқли ишларга қўл урилди. Мисол учун, коррупцияга йўл очиб бераётган ер ажратиш амалиёти тубдан ислох қилинди. Бу жараён эндиликда ер ажратиш электрон тизими орқали амалга оширилмоқда. Дарҳақиқат, бу ўзгариш ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан бири бўлди.

Бундан ташқари, ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилинди. Шу билан бирга, мулк дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъи назар, жавобгарлик кўчатирилди.

Сир эмас, тадбиркорларга ер беришда шу кунга қадар бир қатор ечимини кутаётган масалалар мавжуд эди. Яъни амалда ҳоқимлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қарорларини қабул қилар, вақти келганда эса, уларни ўзлари бекор қилиши ҳам мумкин эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ана шу ваколатча чек қўйилди. Бундай масалалар энди фақат суҳб тартибида ҳал қилинадиган бўлди.

Президентимизнинг 2019 йил 13 августдаги "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг қароқорларни кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш

тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисидаги Фармони соҳада бартараф қилинган муаммоларни бартараф этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциявий норма асосида қабул қилинган ушбу ҳужжатда сўнгги вақтларда мулк дахлсизлигига соя солаётган ҳолатларга барҳам берилди. Яъни Фармонга қўра, Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан мулкдорга қасддан номмақбул шартларни, жумладан, мулкни ёки мулкнинг ҳуқуқни топширишга доир асосиз талабларни қўйиш, мулк эгасини шахсий мулк ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат ўрнатилди.

Муҳасар айтганда, фаолиятини қўйиш, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, махсусот ҳажми ва даромадини кўпайтириш, ўз мулкига ўзи эгаллик қилиши, фойдаланиши, тасаруф этишнинг қафолатидир. Қолаверса, бу хусусий мулкнинг самарали фаолияти учун қулай шартларни яратди, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга хизмат қилди.

Шаҳноза ХОЛМАҲАММАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчи палатаси депутати,
ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси.

Халқ вакиллари — ҳудудларда ЁШЛАР МУАММОЛАРИГА ЕЧИМ ТОПИШ

ЭРТАНГИ ТАРАҚҚИЁТГА ҚЎЙИЛГАН МУСТАҲҚАМ ПОЙДЕВОРДИР

Навоий вилоятида ҳам тадбиркорлик қизиқувчи ва бугунги имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган ёшлар талайгина. Бироқ айрим ҳолларда тадбиркорликка илк қадам қўйиш учун ёшлар тўлақонли тушунага эга эмас. Шу боис Ёшлар парламенти аъзолари жойларда ёшлар билан учрашиб, уларга тадбиркорлик сирлари ҳамда зарур бўлган барча ҳуқуқий маслаҳатларни бериб келмоқда.

Хусусан, Ёшлар парламенти аъзолари, "Yoshlar — kelajagim" жамғармаси Навоий вилояти ҳамда Нурота тумани филиаллари ташаббуси билан "Yoshlar mehnat guzari"да ташкил этилган тадбир ҳам ҳудуддаги тадбиркорликка қизиқувчи ёшлар учун яна бир имконият бўлди, десак, адашмаган бўламиз.

Тадбирда Нурота туманидаги тажрибали тадбиркорлар "Тошпўлат ота ворислари" хусусий корхонаси раҳбари М. Нуруллоев, "Амрибек — Азизбек нури келажак" корхонаси раҳбари Ж. Орипов иштирок этиб, янгиланаётган Ўзбекистондаги ёш тадбиркорларга яратиб берилаётган кенг имкониятлар хусусида тушунчалар берди.

Муҳими, шу куни ҳамкор ташкилотлар томонидан ёшларнинг тадбиркорликка бўлган қизиқишига ўзининг муносиби ҳиссасини қўшган

тадбиркорлар ҳамда фаол ёшлар ташаққурнома, китоблар жамламаси ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, бугун ёшларга кўмаклашиш ва уларнинг муаммоларига ечим топиш эртанги тараққиётга қўйилган мустаҳқам пойдевордир. Зеро, ёшлар муаммоси барчамизники.

Навоий шахридаги Меҳрибонлик уйи битирувчи ёшлари ва шаҳар Кенгаши депутатлари билан бўлган учрашув ҳам айнан уларнинг муаммоларини ўрганишга қаратилди.

Суҳбат давомида ёшлар ўзларининг қизиқишлари ва келажакдаги режалари тўғрисида депутатларга батафсил сўзлаб берди. Шунингдек, уларнинг айнаи дамдаги муаммолари ҳам ўрганилиб, ижобий ечим мутасадди ташкилот раҳбарлари билан бирликда ҳал қилинишига келишиб олинди.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Жамшид Ҳамидов спортнинг футбол турига жуда қизиқди. Унинг келажакда орзулари кўп, биринчи навбатда эса олимпик талабаси бўлишни ният қилган. Айни вақтда уни қийнаётган муаммо спортнинг футбол тури билан шуғулланиши учун сунъий қопламали футбол майдончаси мавжуд эмас. Жамшид депутатлардан шу муаммони ечишда ёрдам сўради. Ва масала ижо-

бий ҳал этилди. Тарбияланувчиларнинг футбол билан шуғулланишлари учун Меҳрибонлик уйига яқин бўлган футбол майдонидан бепул фойдаланиб туришига рухсат берилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, ёшларнинг муаммо ва тақлифларини ўрганиш давомида чекка ҳудудлар ҳам эътибордан четда қолиб кетмапти. Хусусан, яқинда Кошимек туманида "Янги Ўзбекистон — янгица дунёқараш" гоёси остида ёшларга берилаётган имкониятлар ва улардан тўлақонли фойдаланишлари учун олиб борилаётган ислохотларга бағишланган тадбир ташкил этилди.

Бунда ҳам ёшлар ўзларининг қизиқишлари, тақлифлари ҳамда муаммоларини айтишди. Уларнинг тақлифларини, фикр-мулоҳазаларини ўрганиб чиқиш, керакли ҳуқуқий тушунчалар бердик. Тадбир давомида таниқли санъаткорлар билан ёшларнинг учрашуви тарафида янада хушайфяат бахш этди.

Ёшлар парламенти аъзолари иштирокидаги учрашувлар ҳамда маънавий-маърифий тадбирлар ҳудудларда ана шундай кўтаринкилик билан давом этмоқда.

Шоҳрух ШАРОПОВ,
Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси,
халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати.

АУТСОРСИНГ ХИЗМАТИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДАМИ?

Президент қарори қабул қилинганидан бунён бир ярим йил вақт ўтаётганига қарамастан, вилоятда бирорта тиббий давлат-хусусий шериклик объекти фаолият кўрсатмапти. Вақоланки, яна 7 та объектда шу тамойил асосида шифохона очилиши режалаштирган талабдор тадбиркор томонидан лойиҳа баҳолаш ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Тадбирда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратилди. Вилоятда қарорнинг 2-банди бўйича тиббиёт муассасаларининг қўшимча хизматларидан аутсорсинг асосида 23 та муассасанинг оқват тайёрлаш, 4 та муассасанинг кир ювиш хизматлари тадбиркорларга белгиланган тартибда берилган.

Бироқ аутсорсинг хизматида бир қанча муаммолар аниқлангани йилгилида айтиб ўтилди. Хусусан, беморга оқват тайёрлаш учун бюджетдан ажратилган бир кунлик маблагнинг камлиги (бир беморга ўртача



7-8 минг сўм атрофида) тайёрланаётган оқват сифатида салбий таъсир кўрсатмоқда. Лекин белгиланган хизмат таннархига иш ҳақи, иш ҳақига ажратмалар, моддий харажатлар, билвосита ва аутсорсер харажатларини қоплаш учун 20 фоизлик устама харажатларини тўлаш молия органилари томонидан амалга оширилмаган. Масалан, Қорасув тумани тиббиёт бирлашмасидаги 80 ўринли ошхонадаги холатни қоникарли, деб бўлмайти. Унда кўргонтепалик тадбиркор аутсорсинг хизматини кўрсатади. Вазият янгилиганда,

кечги таомни тайёрлашга ўз вақтида киришилганига кузатилди. Газ ўтиш, ошхонанинг санитар ҳолати талаб даражасида эмас.

Танқидий рудда ўтган йилгилида депутатлар қарор ижросини таъминлаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, соҳада учраётган муаммоларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклиф ва тавсияларини берди. Ушбу йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Яқунда кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

ЭЛЕКТОРАТНИ ҚИЙНАБ КЕЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ИККИТА ВАЗИРЛИК АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг парламент қўйи палатасидаги фракциясининг видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда Бандлик ва меҳнат муносабатлари ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиқларининг партия электоратини қийнаб келаётган муаммолар юзасидан ахборотлари эшитилди.

Фракцияда

Дастлаб аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда давлат мақсадида кўмаклашиш мақсадида субсидия сифатида ажратилган маблағларнинг самарали сарфланиши, касб-хўрақга ўқитиш ишлари жойларда суҳб ташкил қилинаётгани, меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича давлат назоратида хато-камчиликлар кузатилаётгани ҳақида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бу борада Президентимизнинг тегишли Фармон ва қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорларида белгилаб берилган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш, бугун республика бўйлаб ишларни тизимли ташкил этиш, бандлик юзасидан барча имкониятдан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича вазирлик тизимидagi тузилмалар ишидан аҳолининг хабардорлигини ошириш, шу орқали улар фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтириш бўйича вазифалар белгиланди.

Депутатлар, шунингдек, уй-жой ва коммунал хизматларнинг ижтимоий мақбуллигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини арзон ва сифатли уй-жой билан таъмин-

натжалари асосида йиғилишда Давлат бюджетидан бандликка кўмаклашиш мақсадида субсидия сифатида ажратилган маблағларнинг самарали сарфланиши, касб-хўрақга ўқитиш ишлари жойларда суҳб ташкил қилинаётгани, меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича давлат назоратида хато-камчиликлар кузатилаётгани ҳақида танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Бундан ташқари, сенатор туманда "Темир дафтар"да руйхатга олинган фуқаролар бандлигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор қаратди.

Шунингдек, сенатор мутасаддилар билан бирга ушбу ҳудудда истикомат қилувчи, "темир дафтар"га киритилган Л. Давидова ҳолидан хабар олди ва унга сўнгги русумдаги автоматик тижув машинасини тақдим этди.

Шунингдек, сенатор мутасаддилар билан бирга ушбу ҳудудда истикомат қилувчи, "темир дафтар"га киритилган Л. Давидова ҳолидан хабар олди ва унга сўнгги русумдаги автоматик тижув машинасини тақдим этди.

Туманда "темир дафтар"га киритилган оилалар аъзоларини доимий иш билан таъминлаш учун қуёنчилик кооперативини очиб қўзда тутилган бўлиб, сенатор ушбу масала билан ҳам қўшқиди.

Маълум бўлишича, бугунги кунда "Тақирқўш" овул фуқаролар йиғинида қуёнчилик ривожлантириш лойиҳаси юзасидан қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланган ва қуёнлар олимб келинмоқда. Энг асосийси, у ишга тушган, 50 нафар киши бандлиги таъминланди. Сенаторларнинг Қорақалпоғистон Республикасида хизмат сафари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

ОРОЛЬ ҲИИ АҲОЛИСИНИ РОЗИ ҚИЛИШ ЙЎЛИДАГИ ЭЗГУ САЎЙ-ҲАРАКАТЛАР

Президентимиз ташаббуси билан Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш бўйича изчил ишлар олиб боришмоқда. Бу йўналишдаги ишларнинг узвий давоми сифатида шу йилнинг 2 октябрь кунини давлатимиз раҳбарининг Оролбўйига таширфи давомида ҳудуднинг ҳар бир шаҳар ва туманини ривожлантириш, аҳоли ҳаётини яхшилашга қаратилган вазифалар белгилаб берилган эди.

Шу мақсадда 2020 йил 11 ноябрда "2020 — 2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилиниб, айни чоғда унинг ижроси доирасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳам фаол иштирок этаётир. Айни пайтда Сенатда доимий асосда ишловчи сенаторлар Қорақалпоғистон Республикасида хизмат сафари билан бўлиб турибди.

Ўрганиш ва таҳлил

Қарор моҳиятини тушуниш

Президент қароридан бир қатор эзгу мақсадлар кўзда тутилган бўлиб, уларни аҳоли, шунингдек, ижрочиларга етакчи муҳим аҳамиятга эга.

Шу мақсадда Сенатнинг Аграр, сув ҳўжаллиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Баҳодир Тожиёв, Қорақалпоғистон Республикасини Жўқорғи Кенгесининг Қонунийлик, суд-ҳўқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари кўмитаси раиси Зўра Раимова Амурдари туманида бўлиб, халқ депутатлари туман Кенгаши доимий комиссиялари раислари билан учрашди. Суҳбат чоғида Президент қарорининг мазмун-моҳиятини аҳолига кенг етакчи учун жойларда учрашувлар ва тушунириш-тарғибот ишларини кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Қайд этилганидек, бу ҳужжат билан Қорақалпоғистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича барча соҳанинг мақсади кўрсаткичлари белгилиниб, амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳалар ва чора-тадбирлар дастурлари тасдиқланди. Қарорда Олий Мажлис Сенатига масъул вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари билан биргаликда дастур доирасида амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлигини таъминлаш, юзга келаятган муаммоларни ҳал этиш ва аҳоли турмуш шартларини яхшилаш мақсадида ҳудуднинг шаҳар ҳамда туманларига ҳар ойда чиқиш тизимини яратиш ва соҳага оид муаммоларни ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш учун зарур шарт-шароитни яратиш масалалари топширилган.

Албатта, ушбу вазифалар тўлиқ ижро этилган, Оролбўйида турмуш тарзи буткул яхшиланади.

Амурдари туманида 77 та лойиҳа амалга оширилади

Қарор билан тасдиқланган 2020 — 2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари манзилли руйхатига бунун ҳудуд бўйича 1 359 та, Амурдари тумани бўйича 77 та лойиҳа киритилган бўлиб, уларни амалга оширишнинг аниқ мuddати, лойиҳаларни молиялаштириш манбалари белгилаб қўйилган.

Ҳўш, Амурдари туманида ушбу лойиҳалар ижроси қандай бормоқда?

Қарорда кўрсатилган топшириқлар ижросини назорат қилиш ва бу борада амалий кўмак кўрсатиш

Хўжайлида иссиқхона барпо этилади

Қорақалпоғистон Республикасининг бошқа жойларида бўлгани каби Хўжайли туманида ҳам қатор лойиҳалар рўёбга чиқаришмоқда.

Хусусан, 10 гектарлик замонавий иссиқхона қурилиши жадал сурьатда давом этаётир. Лойиҳа ўз вақтида ишга туширилса, ўнлаб оилалар моддий фаровонлиги таъминланади. Шу боис ҳам унинг ижроси доимий назоратда турибди.

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳўқуқ масалалари

бўйича тузилган штаб йиғилишида шулар хусусида атрофлича сўз қилинди.

Унда Олий Мажлис Сенати Аграр, сув ҳўжаллиги масалалари ва экология кўмитаси раиси Баҳодир Тожиёв, ҳудуддан сайланган Қорақалпоғистон Республикасини Жўқорғи Кенгеси ва туман Кенгаши депутатлари ҳамда ҳокимлик масъуллари, муассаса, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Шунингдек, сенатор ҳудуд аҳолиси мурожаатларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

«Қуралпа» ОФЙда 100 ўринли давлат мактабгача таълим муассасаси қурилади

Қораўзак туманида 2020 — 2023 йилларга мўлжалланган инвестицион лойиҳалар доирасида 879,1 миллиард сўмлик 93 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган бўлиб, шундан 152,3 миллиард сўмлик 34 турдаги ижтимоий соҳа объектилари ва йўл-транспорт муҳандислик-коммуникация тармоқларида қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб бориш назарда тутилган. 726,8 миллиард сўмлик 59 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш ҳам режа қилинган.

Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитасида доимий асосда ишловчи сенатор Фарҳод Божиев иштирокида ўтказилган йиғилишида шулар хусусида атрофлича маълумот берилди.

Йиғилишида туман марказида янги, замонавий

қурилишида амфитеатр, "Қуралпа" овул фуқаролар йиғинида 100 ўринли янги давлат мактабгача таълим муассасасини қуриш, ҳудуддаги 21 та кўчада қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш юзасидан ҳам тақлифлар билдирилди.

«Темир дафтар»ларга киритилган фуқаролар билан алоҳида ишланади

Президент қароридан вазифалар ижроси бўйича парламент назоратини амалга ошириш, ҳужжат мазмун-моҳиятини фуқароларга етакчи, мавжуд муаммоларни ҳал этиш ҳамда "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган фуқаролар билан ишлаш тизими ҳамда уларни иш билан таъминлаш юзасидан ҳам аниқ вазифалар белгиланган.

Оролбўйининг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Тўрткўл туманида ҳам бу борада тизимли ишлар олиб боришмоқда. Хусусан, ушбу "темир дафтар"ларга киритилган фуқаролар билан ишлашнинг янгица тизими йўлга қўйилмоқда.

Олий Мажлис Сенати Суд-ҳўқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси раиси Наримон Умаровнинг туман Кенгаши депутатлари, секторлар раҳбарлари, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинларини раислари ҳамда тегишли ташкилотлар вакиллари билан учрашувида шулар ҳақида батафсил сўз юритилди.

Ўз навбатида, туманнинг драйвер соҳалари бўлиши иссиқхона ҳўжаллиги ва ойна ишлаб чиқариш юзасидан ҳам фикр-



Адиблар хиёбони — қўтлуғ дарсхона

Хиёбонда эътибордан беш нафар истеъдодли адибга қўлигул хайкалтарошнинг асарларга татиғулик санъат асарлари ўрнатилди. Бу ерда дастлаб, Алишер Навоий ва XX аср замонавий ўзбек адабиёти вакиллари — Гина хайкаллари бор эди. Бунда гўё адабиётимиз тарихининг бир неча асри йўқ бўлиб қолган эди. Бугун эса ўша жарлик, кемтиклик тўлдирилди. Яъни Бобур, Оғаҳий, Фирқат, Муқимий сингари мумтоз шоирларнинг, шунингдек, халқни уйғонишга, маърифатли бўлишга қўллаган ва шу учун қатъон қилинган, таққу тазийкаларга учраган Абдулла Қодирий, Ҷўлпон, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳамда Абдулла Авлонийга ҳам ёдгорликлар ўрнатилди.

Адабиёт эътибордан юксалади. Рағбатдан куч олади, ривожланади. Тарихга назар солинг. Саркарда ва сиёсатчи — соҳибқирон Амир Темур ҳамда темирқирон даврида юксак эътибор тўғрисида маданият, илм-фан қатори адабиёт ҳам ривожланди. Туркий тил ва адабиёт юксак чўққига чиқди. Унлаб улғу шоирлар камол топди, юзлаб бебаҳо асарлар ёзилди. Ишонамизки, адабиётга бўлаётган бугунги эътибор ҳам яқин орада ўз мевасини беради.

Маънавият

Хали бутун рўйи жаҳон шеър бўлажак,
Фақат бекор билиб ором кўчогини —
Бу дунёни сирга кўмиб яшаш керак,
Қалбга санчиб шеъриятнинг пичоғини!
Адиблар хиёбонига келган киши Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим ёзганидек, бутун оламнинг шеърга, адабиётга айланганига гувоҳ бўлади. Бу ерда ижод қадрланди, сўзга ҳурмат кўрсатилди. Улғу ёзувчи-шоирлар хотираси улуғланди. Ўзбек

адабиётининг устунлари қад кўтарди. Ўзбекистонлик шоирлар бир давра бўлишди. Энг юқорида эса сўз мулкининг султони Алишер Навоий уларга боқиб турибди. Гўё адабиётдан сабоқ бераётгандек... Дарҳақиқат, Адиблар хиёбони бугун нафақат юртимиздаги, балки дунёдаги энг гўзал, сўлим, чиройли масканлардан бири бўлди, десак, адашмаймиз. Бу ерга келган кишининг вужуди сокинлашади, руҳи тиниқлашади, улуғлар билан руҳан юзлашади, бир қадар юксалади.

электрон адабиётлардан кўпроқ фойдаланиши исташади. Лекин миллий адабиётимиз хазинаси интернетда кенг қўламда жойлаштирилмаган. Ўша учрашувда Президентимиз "Адиблар хиёбони" деб номланган интернет портали ташкил этиш таклифини билдирди. Унда мумтоз ва замонавий асарларнинг электрон нусхалари, ёзувчи-шоир, адабиётшуносларнинг маҳорат сабоқлари жамланади. Портал ўзбек (лотин ҳамда кирил алифбосида), инглиз ва рус тилларида фаол янги кўрсатса, ундан хорижлик адабиётсеварлар ҳамда адабиётчилар ҳам бемалол фойдаланиши мумкин.

"Gulliston", "Saodat", "Yosh Kuch", "Ijod olami" сингари адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий, илмий-философий, маънавий-маърифий журналлар, "O'zbekiston adabiyoti va san'ati", "Kitob dunyosi", "Adabiyot ziyosi" сингари адабий-бадий журналларнинг ҳар бири янги сони, уларнинг узок йиллик архивлари "pdf" форматда, матбуотда эълон қилинган адабий-бадий мавзудаги материалларнинг электрон нусхалари бериб берилади. "Matbuot", янги чоп этилган китоблар ҳақида хабарлар, мақолалар эълон қилинади. "Янги китоблар", нашриётлар томонидан нашр қилинган китоблар етказиб бериладиган ва электрон тарзда сотиладиган "Китоб дўкони" сингари бўлимларни ташкил этиш лозим.

20 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Адиблар хиёбонини очиб берди. Давлатимиз раҳбари хиёбонда ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар билан бўлган учрашувда: "Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавияти", деди. Биз — Ўзбекистон ёзувчи-шоирлари халқимизнинг мана шу юрагини, миллатимиз маънавиятини, замон қаҳрамонларининг портретини, ўзбек халқининг қиёфасио кўнглидаги изтиробларини бадий тил орқали кўрсатиб беришимиз лозим.

Шунингдек, порталда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг "Биринчи китобим" лойиҳаси ва умуман, ёш адибларнинг илқ тўғламларининг электрон ҳамда "pdf" форматдаги нусхалари берилади. "Биринчи китобим" бўлимини ҳам яратиш керак. Бунда фақат китобнинг ўзини шунчаки жойлаб қўймасдан, муаллифларнинг сурати ва у ҳақида маълумот келтирилади. Китоблар ҳақидаги мақолалар ҳам шу ерга жойланади. Хуллас, ёшларга берилаётган эътибор айнан шу бўлимда акс этиши даркор.

...Адиблар хиёбони ҳаммаша одамлар билан гавжум. Бир отахон набиралари билан Абдулла Қодирий ёдгорлиги олдида келган, набиралардан бири хайкал таққуридаги ёзувларни ўқиди: "Абдулла Қодирий". Болани саволга тудди: "Абдулла Қодирий ким бўлган?" Бобо набирага ўргатди: "Ўзбек романчилиги мактабининг асосчиси". Бобонинг сабоғига қўшимча қилди: "Ўзбек маърифатпарварларидан бири"...

Мана, Адиблар хиёбони нима учун қўрилди? Халқимизга бу дарсхона нима учун керак? Халқ, келажак эгалари ўз қаҳрамонларини таниши учун! Кейинги йилларда маърифатпарварлар ижодини ўрганишга қаратилаётган эътибор, уларнинг ҳаёти ҳақида ёзилган бадий асарлар, яратилаётган бадий ва ҳужжатли фильмлар тўғрисида халқимиз узилиб қолган ўтмиши билан юзлашмоқда, тарих билан алоқани тиклаётти. Бу эса Ўзбекистоннинг, ўзбек миллатининг янада юксалишига, дунё тамаддунида қайтадан ўрин эгаллашида катта роль ўйнайди.

Адиблар хиёбонига қорақалпоқ шоири Бердақ, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсуфов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергенов ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнбертга ҳам хайкаллар ўрнатилгани, ўзбек халқи адабиётда ҳам ниҳоятда бағрикенг эканини яна бир бор исботлади. Бугун интернет замони. Айниқса, ёшлар

ланади. Бунинг учун эса портални профессионал тарзда яратиш, ўзбек адабиёти хазиналари жамланган асосий манбага айлантириш керак бўлади.

Соҳанинг бир вакили сифатида ушбу портални ташкил қилишда бир қанча таклифларни бермоқчимиз. Портал сарлавҳасига Алишер Навоийнинг: "Турк назмида чу мен тортиб алам, Айлашди ул мамлакатни яққалам", байти ё бошқа адибнинг адабиётга оид бирор таъсири сўзини ёзиш керак бўлади. Сўз порталнинг ташриф қозоғига айланиши зарур. Портал ташкилотчиларидан бири саналган Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, аввало, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидagi Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳамда нашриётлар билан ҳамкорликда иш олиб бориб, ўзбек халқ оғзаки ижоди асарлари ва китобларнинг "word" ҳамда "pdf" форматдаги нусхаларини электронлаштириши керак. Шунингдек, нашриётлар ва Ўзбекистондаги жами ёзувчи-шоирларнинг ўзла-

машиқни бажарасиз — кун буйи хушқайфият ва тентиклик хамроҳингиз бўлади. Бир кун яё кетамсиз, йўлакка ёндоқ автотўлган машина сигнали эшитилди. Қарасам — тоғам. "Кел, утир, ташлаб қўяман", деди. Ноилуж улөөга чиқдим. Аммо кунлик тартибим бузилишини ўйлаб, бир бекат мақсаддан сўнг "етиб келдим, тоғам, мени шу жойда қолдинг", дедим. Машинадан тундим-да вақтим борлигини билди, халие манзилга ана қайтдим ва ўша ердан яё юришни давом эттирдим...

Ситора таътил даврида вақтдан фойдаланишда яна бир қўш натижага эришди. Биринчи шахардаги ўқув марказида ўқиб, "уй хамшираси" сертификатини олгани бўлса, иккинчиси — тахрибли журналистлар ҳузурида амалиёт ўтаганидир.

Талаба қиз "яёв бошган масофами Ер шарини айланиб ўтиш даражасига етказаман ва пиёда юришни кундалик қатъий тартиб сифатида умрим буйи сақлаб қолам", дейди.

Кулайлик МАҲАЛЛАГА ҚАЙИШГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Айиртом Фиждудон туманининг чекка ҳудудларидан бири. Жилвон чўлига туташ бу маҳаллада 2600 дан зиёд кишилар истиқомат қилади. Чорвачилик, деҳқончилик билан машғул айиртомликларни яқин-яқингача бир ҳолат хижолатга солиб келаётганда. У ҳам бўлса, маҳалла фуқаролар йиғинининг биноси йўқлиги эди.

— Тез-тез у ердан бу ерга кўчиб юришимизга тўғри келаётгани, — дейди "Айиртом" МФЙ раиси Тўлқин Ҳожиёв. — Бу нафақат биз, балки фуқароларимизга ҳам нуқулликлар туғдираётганда. Чунки улар ўз ўй-ташвишларини енгиллаштириш илминда, аввало, фуқаролар йиғинига келади.

Буни қарангки, таъбир жоиз бўлса, "сопи" ўзидан чиқди. Маҳаллада яшовчи тадбиркор Равшан Сирожев оилавий даромади ҳисобидан замонавий, барча кулайликка эга бино қуриб берди. — Маҳалламизда 18 дан 30 ёшгача бўлган 350 нафардан зиёд йигит-қизлар яшайди, — давом этади маҳалла раиси. — Улар орасида табиийки, олий ўқув юрларида ўқиш истагида юрганлари бор. Аммо шу

«ПИЁДА ЮРИШНИ КУНДАЛИК ҚАТЪИЙ ТАРТИБ СИФАТИДА УМРИМ БЎЙИ САҚЛАБ ҚОЛАМАН»

Мамлакатимизда кенг қўлч ёзган спорт ва соғлом турмуш тарзи тарғиботи кундалик ҳаётини ана шундай мезонлар асосида ташкил этган инсонларга катта маънавий рағбат бўлди. Сидора Йўлчиева бу борада олиб борилаётган ишлар ва яратилаётган шароитлардан ниҳоятда хурсанд. У инсонлар саломатлигини асрашга давлат раҳбарининг алоҳида эътибор қаратаётгани янада ғайрат-шижоат бағишлаганини таъкидлайди.

Соғлом турмуш тарзи



Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси Ситора Йўлчиева ёзининг бир неча ойи ва куз бошида мунтазам равишда Гулистон шаҳрининг тўртинчи мавзесидан марказигача яёв бориб-келди. Агар бу юриш жами ҳисобланса, деярли Сидораёдан Хоразмгача бўлган масофага тенг бўлади. Талаба аини кунларда эса пойтахтдаги тураржойидан университетга ана шу зайдда қатнасмоқда. Телефонидagi махсус дастур улчовига кўра кунига 13 минг қадам йўл босаётти. Бу тахминан 10 километр дегани. Албатта, ҳар кун унинг пиёда юришини талаба бўлганлиги ваҳидан деб ўйлаши мумкин. Аммо сабаб бу эмас. Билишимизча,

Ситора ҳам ўқиб, ҳам университетда ишламоқда. Қолаверса, ота-онаси ҳам уни моддий жиҳатдан етарли даражада таъминлаб турибди. — Пиёда юриш орқали бир неча натижага эришар экан, — дейди Ситора Йўлчиева. — Яъни бир вақтингиз ўзида ҳам манзилга етасиз, ҳам жисмоний тарбия

ЭЪЛОН «СЕРГЕЛИ ИНДУСТРИАЛ ПАРКИ» КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИ ДИРЕКЦИЯСИ

танловда қатнашишга таклиф этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги "Сурхондарё вилояти ва Тошкент шаҳрида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6109-сонли Фармони ҳамда мазкур Фармонга мувофиқ ташкил этилган "Термиз" эркин иқтисодий зонаси, "Термиз халқаро савдо маркази" эркин савдо зонаси ва "Сергели индустриал парки" кичик саноат зонаси фаолиятини ривожлантириш буйича ишчи гуруҳининг 2020 йил 16 ноябрдаги 1-сон (01-05/1-2496-сон 2020 йил 18 ноябрь) йилгилиш баёнига асосан Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги Райхон кўчасида жойлашган умумий майдони 71,64 гектарга тенг "Сергели индустриал парки" кичик саноат зонаси ҳудудида саноат, савдо, транспорт-логистика, хизмат кўрсатиш ва ёрдамчи бинолардан иборат мажмуани лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда соғувини ташкиллаштириш ишларини бажаришга салоҳиятли тадбиркорларни танлаб олиш учун энг яхши таклифларни саралаш асосида танлов эълон қилади. Талабгорлар танловда қатнашиш буйича ўз таклифларини ёпиқ конвертда муҳрланган ҳолда икки нусхада "Сергели индустриал парки" кичик саноат зонаси дирекциясига тақдим этиши лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шароф Рашидов шоҳқўчаси, 16-уй ("Пойтахт бизнес маркази" биноси). Танловда қатнашиш учун таклифлар 2020 йилнинг 19 декабрь куни соат 17.00 га қадар қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: 97-738-83-86 (масъул Анвар Абдушукуров, "Сергели индустриал парки" дирекцияси ходими). E-mail: sip@tashkent.uz Танлов шартлари ва қурилиш ҳудуди картаси илова қилинади. Танлов шартлари билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг tashkent.uz расмий веб-сайти орқали батафсил танишишигиз мумкин.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР КАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklama@xs.ru reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Т — 1156. 30 509 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда. Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Манзил: Тошкент шаҳри, Матбуотчилик кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов. Мусахҳиҳ — Ш. Манрабаева. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.50 Топширилди — 00.45 1 2 3 4 5 6